

МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШ МАЗМУНИНИ ТАШКИЛ ЭТУВЧИ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ТАҲЛИЛИ

Мейлиева Шохиста Рустамовна
Қариш Давлат Техника Университети

Аннотация: *Бугунги кунда Ўзбекистонда мактабгача таълим ташкилоти таълим-тарбиявий фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш узлуксиз таълим соҳасидаги туб ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг бош мақсадларидан бири сифатида эътироф этилган, чунки мактабгача таълим узлуксиз таълимнинг илк бўғини, унинг илк босқичи сифатида эътироф этилади.*

Калит сўзлар: *дидактика, тафаккур, мактабгача таълим, амалиёт, узлуксиз таълим*

КИРИШ

Жаҳон миқёсида мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг мантиқий фикрлашини ривожлантиришнинг асосий омили шахс камолотини таъминловчи, дидактик интеллектуал ўйинлар воситасида болаларга таълим-тарбия беришни тақозо этмоқда. Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти томонидан қабул қилинган 2030 йилгача халқаро таълим консепсиясида “билимнинг мустаҳкам пойдеворига эга бўлиш, ижодий ва танқидий фикрлашни ривожлантириш, ҳамкорлик қобилиятлари ва қизиқишларини кучайтириш”⁵ долзарб вазифа сифатида белгиланган. Халқаро тажрибаларга таянган ҳолда мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш, АҚШ (“Ақлий, ёки асосий, ибтидо” лойиҳаси), Буюк Британия (The Early Years Foundation Stage – EYFS дастури), Германия (Hans-Dieter Schmidt, Sabine Naumann, Heidi Colberg-Schrader дастури) ва бошқа давлатларда ҳар бир боланинг мантиқий фикрлашини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Сўнгги тўрт йил ичида мактабгача таълим ташкилоти фаолиятини қайта ташкил қилиш ва улар амалиётини тубдан ўзгартириш, тизим фаолиятини молиялаштириш механизмларини таъминлашга бағишланган қирққа яқин давлат ҳужжатлари, уларнинг ичида Президент Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари, вазирлик меъёрий ҳужжатлари қабул қилинди.

Ўзбекистонда мустақил Мактабгача таълим вазирлиги таъсис этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2707-сон Қарори⁶, 2017 йил 30 сентябрдаги ПФ-5198-сон «Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони⁷, 2017 йил 30 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги

⁵ Incheon declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea). 6p. 26 P.

⁶ <http://uza.uz/oz/documents/-yillarda-maktabgacha-talim-tizimini-yanada-takomil--30-12-2016>

⁷ <http://uza.uz/oz/documents/maktabgacha-talim-tizimi-bosh-aruvini-tubdan-takomillashtiri>

фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида”ги⁸ Қарорлари соҳани тубдан ислоҳ қилиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистонда мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини қайта қуриш бўйича давлат сиёсатида тизим ишини янада такомиллаштириш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мактабгача таълим ташкилоти тармоғини кенгайтириш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда айнан болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш замонамизнинг энг долзарб вазифаларидан эканлиги белгилаб берилди.

Мамлакатимиз фуқаролари заҳирасини ташкил қилувчи, унинг истиқбол тараққиётини белгиловчи куч бўлган болаларни мамлакат истиқбол фуқаролари заҳираси, жамиятнинг куч ва қуввати, кескин иқтисодий ўсишни таъминловчи “инсон капитали” сифатида баҳолаш, уларни ҳар томонлама ривожлантириш масаласи Ўзбекистон Республикаси Президентининг таъкидланган фармон ва қарорлари, “Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган дастур”да⁹ устувор вазифалар сирасида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги ПФ-60-сонли Фармонида “Мактабгача таълимдаги қамров даражасини ҳозирги 67 фоиздан камида 80 фоизга етказиш; 2022/2023 йилларда 6 ёшли болаларни мактабгача тайёрлов тизими билан қамраб олиш даражасини 90 фоизга, 2024/2025 ўқув йили якунига қадар 100 фоизга етказиш; мактабгача таълим тизимига хусусий сектор маблағларини жалб қилиш орқали 7 мингдан зиёд янги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш; мактабгача таълим тизимида таълим сифатини янги босқичга олиб чиқиш; боғча ходимларининг профессионал тайёргарлиги ва маҳоратини ошириб боришнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш; 2022 — 2026 йилларда 160 мингдан зиёд педагог кадрларнинг малакасини ошириш; мактабгача таълим-тарбия жараёнларини илмий асосланган ёндашувлар асосида такомиллаштириш, мактабгача таълим тизимида молиявий жараёнларнинг шаффоф тарзда амалга оширилиши учун зарур шароитларни яратиш асосий вазифалар этиб белгиланган.

Таълим тизимининг асосий мақсади ёш авлодни доимо ўзгариб бораётган жамиятда фаол ҳаётга тайёрлашдан иборат. Замонавий жамиятнинг ривожланиши доимий ва динамик тавсифга эга эканлиги сабабли, таълим жараёнининг асосий вазифаси болаларга бундай ўзгаришларга муваффақиятли мослашишга имкон берадиган билимларни бериш ва уларни тарбиялашдан иборат. Мактабгача ёшдаги болаларнинг мантиқий фикрлашини шакллантиришнинг самарали дидактик воситаларини излаш бу вазифанинг ажралмас қисмидир.

⁸ <http://lex.uz/docs/3422069>

⁹ <http://lex.uz/docs/3090103>

Ушбу муаммони тадқиқотнинг барча даражаларида (ижтимоий-мантиқийдан методологикгача) ҳал қилиш учун ягона концептуал асос, бошланғич ҳолатни аниқ белгилаш керак. Аввало, мантиқий фикрлаш нима эканлигини, у умуман тафаккурда қандай ўрин эгаллашини, унинг ўзига хос хусусияти нимада эканлигини аниқлаш керак.

Ушбу муаммо бўйича инсон тафаккурининг турли йўналишлари вакиллари Сукрот [Ошибка! Источник ссылки не найден.], Аристотел [Ошибка! Источник ссылки не найден.], Декарт [Ошибка! Источник ссылки не найден.], Гегель [Ошибка! Источник ссылки не найден.], М.Берцфаи [Ошибка! Источник ссылки не найден.], М.Монтессори [Ошибка! Источник ссылки не найден.], Ж.Пиаже [4], П.П.Блонский [Ошибка! Источник ссылки не найден.], Л.С.Выготский [Ошибка! Источник ссылки не найден.], П.Я.Гальперин [Ошибка! Источник ссылки не найден.], В.В.Давыдов [Ошибка! Источник ссылки не найден.], А.В.Запорожец [Ошибка! Источник ссылки не найден.], Г.С.Костюк [Ошибка! Источник ссылки не найден.], А.Н.Леонтьев [Ошибка! Источник ссылки не найден.], А.Р.Лурия [Ошибка! Источник ссылки не найден.], А.И. Мещеряков [Ошибка! Источник ссылки не найден.], Н.А.Менчинская [Ошибка! Источник ссылки не найден.], Д.Б.Эльконин [Ошибка! Источник ссылки не найден.], Н.Н.Семёнов [Ошибка! Источник ссылки не найден.], Б.М.Кедров [Ошибка! Источник ссылки не найден.], Н.В.Григорян [Ошибка! Источник ссылки не найден.], Л.М.Фридман [Ошибка! Источник ссылки не найден.], Н.А.Подгорецкая [Ошибка! Источник ссылки не найден.] ва бошқалар шуғулланган.

Маърифатпарвар педагог олимлар И.Гаспиринский, М.Бехбудий, С.Ализода, А.Авлоний, И.Ибрat, А.Шукурый, А.Фитрат ва бошқаларнинг таълим тарбиявий ғояларида болалик даврида унинг шаклланишига алоҳида аҳамият билан қараш даркорлиги ва мазкур жараёнда билимга қизиқиш, илмий тафаккурнинг ўрни муҳимлиги борасидаги қарашлар таъкидланади [Ошибка! Источник ссылки не найден., Ошибка! Источник ссылки не найден., Ошибка! Источник ссылки не найден.].

Ўзбек маърифатпарварларининг кўпчилиги мамлакатимиз таълим тизими шаклланишининг асосида турган бўлиб, уларнинг инсонни ривожлантириш масалаларига доир қарашлари то хануз ўз долзарблигини йўқотган эмас [Ошибка! Источник ссылки не найден., Ошибка! Источник ссылки не найден.]. Улардан, Махмудхўжа Бехбудий, Исҳоқхон Ибрat, Сиддикий-Ажзий, Саидрасул Азизий, Муҳаммадшариф Сўфизода, Абдулқодир Шакурый, Абдулла Авлоний, Садриддин Айний, Мунавварқори Абдурашидхонов болани тарбия қилиш, унга турли билимларни бериш, замонавий ва дунёвий илмларни инкор этмаслик, мактаб таълимини жорий этиш, оилавий тарбия масаласига махсус эътибор билан қараш каби фикрлари болани ақлий ривожлантириш масалаларини ҳам қамраб олган.

Хулоса: Мактабгача ёшдаги болаларда мантиқий фикрлашни ривожлантириш ва ривожлантириш методикаларининг мажмуаси икки гуруҳга бўлинади: мактабгача

ёшдаги болаларнинг боғчага борганда шакллантириладиган мантикий фикрлаш методикаси ва тафаккурнинг комплекс ривожланишига ҳисса қўшадиган интеллектуал таълим методикаси, шу жумладан мактабгача ёшдаги катта болаларда мантикий фикрлаш, уларнинг бошланғич мактабда ўқишга тайёргарлик даражасини оширади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекисон НМИУ, 2017. – 104 б.
2. Абдурахимова Д.А. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни ахлоқий руҳда тарбиялашда халқ эртакларидан фойдаланиш. Пед. фан. номзоди ... дисс. – Т., 1998. –165 б.
3. Алексеев А.А. Взаимодействие образных и символических структур в развивающемся интеллекте ребёнка. С-Пб.: Питер, 2001. 89 с.
4. Пиаже Ж. Психология интеллекта. - СПб.: Питер, 2004. - 192 с.
5. Meyliyeva Shoxista Rustamovna, Safarova Nilufar Vohidovna, Maxmiyev Afro‘zbek Dadaxon o‘g‘li OLIY TA’LIM TALABALARINI O‘QITISHDA DIDAKTIK O‘YINLARDAN FOYDALANISH. INTERDISCIPLINE INNOVATION AND SCIENTIFIC RESEARCH CONFERENCE British International Science Conference. 2024. - 255